



COURSE «BANK AUDITING»

**LECTURE #4
PLANNING IN BANK AUDITING**

Rizaev N.K. - DSc

«БАНК АУДИТИ» ФАНИ

**МАЪРУЗА №4
БАНК АУДИТИДА РЕЖАЛАШТИРИШ**

РИЗАЕВ Н.К – DSc

РЕЖА:



01

ITEM 01

Банкларда аудитни
режалаштиришнинг мақсади ва
вазифалари

02

ITEM 02

Банк аудитини режалаштириш
босқичлари


03

ITEM 03

Банкларда аудит дастури

04

ITEM 04



БАНКЛАРДА АУДИТНИ РЕЖАЛАШ- ТИРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА

ВАЗИФАЛАРИ



АУДИТ РЕЖАСИ

Тижорат банкларида аудитини ташкил этишда асосий ва бирламчи масалалардан бири аудиторлик текширувларини режалаштириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан халқаро тажрибага кўра аудиторлик текширувини режалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, аудиторлик жараёнини режалаштириш ва аудит дастурини тузиш масаласи аудит текширувини тўғри ва ўз вақтида амалага ошириш имкониятини яратади.



БАНКЛАРДА АУДИТНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА

ВАЗИФАЛАРИ

АУДИТ РЕЖАСИ



Аудитнинг халқаро стандарти бўйича аудит жараёнини режалаштириш масаласи АХС 300 “Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш” номли стандарт 2004 йил 15 декабрь санасидан кейинги молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш жараёнида қўлланилади.

Ушбу стандарт қуйидаги қисмлардан иборат бўлиб, унда кириш, келишув бўйича дастлабки ишлар, ишларни режалаштириш, дастлабки аудиторлик келишувлари бўйича қўшимча кўриб чиқишлар каби масалаларни ўз ичига олган.



БАНКЛАРДА АУДИТНИ РЕЖАЛАШ-ТИРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА

ВАЗИФАЛАРИ

АУДИТ РЕЖАСИ


Ушбу стандартга кўра, аудит жараёнини режалаштириш аудит ўтказишнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишдан, шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан тижорат банкининг молиявий ҳисоботи тўғрисида холис ва асосли фикр шакллантирилиши учун зарур бўлган аудиторлик конун-қоидаларини амалга ошириш ҳажми, турлари ва изчиллигини белгилайдиган аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.



<https://www.gorsi.ru/services/?type=%D0%90%D1%83%D0%B4%D0%B8%D1%82>



БАНКЛАРДА АУДИТ РЕЖАСИ



Аудитни режалаштиришни аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишнинг умумий коидаларига, шунингдек, куйидаги хусусий коидаларга мувофик ўтказиши керак, яъни:

Режалаштиришнинг комплекслиги.

Режалаштиришнинг узлуксизлиги.

Режалаштиришнинг макбуллиги

Аудит режаси

Аудитни режалаштиришнинг **комплекслилиги қоидаси** бирламчи режалаштиришдан бошлаб аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузишга қадар режалаштириш барча босқичларининг ўзаро боғланган ва уйғун бўлиши таъминланишини тақозо этади.

Аудитни **режалаштиришнинг узлуксизлиги** қоидаси аудиторлар гуруҳига ўзаро боғланган топшириқларни белгилаш ва режалаштириш босқичларини муддатларда ўз ифодасини топади.

Аудитор режаси

Аудит **узоқ вақт** даврга режалаштирилганда банкнинг аудиторлик кузатуви бир йил давомида амалга оширилса,

ички аудиторлар банк ёки филиалнинг фаолиятидаги ўзгаришларни ва оралик аудиторлик текширувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда аудитни ўтказиш режа дастурларига ўз вақтида тузатишларни киритиши керак бўлади..

Аудит режаси



Аудитни режалаштиришнинг мақбуллиги қоидаси шундан иборатки, режалаштириш жараёнида ички аудиторлар ўзлари белгилаган мезонлар асосида

аудит умумий режаси ва дастурининг мақбул вариантини танлаш имконияти учун режалаштиришнинг вариантлилигини таъминлаши керак бўлади.

Банкларда аудитни режалаштириш



<https://www.gorsi.ru/services/?type=%D0%90%D1%83%D0%B4%D0%B8%D1%82>

Банк аудитида ўтказиш ва натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар:

- тасдиқланган режанинг бажарилишини текшириш;
- бошқарув принципларига риоя қилинишини текшириш;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини текшириш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини текшириш.

Karaliyev T. Fayzullaeva M.
Bankovskiy audit.TMI. 2014.



Банкларда аудитни режалаштириш



Аудиторлик текширувлари режаси кредит ташкилоти, банк бўлимлари бўйича тузилади:

1. Кредитлаш бўлими, шу жумладан кредит рисклари бошқармаси.
2. Кредит рисклари бошқармаси.
3. Филиаллар билан ишлаш бошқармаси.
4. Давлат хазинасига оид операциялар ва бэк-офис операциялари.

Karaliyev T. Fayzullaeva M.
Bankovskiy audit.TMI. 2014.



Банкларда аудитни режалаштириш



<https://bioprocessintl.com/bio-process-insider/regulations/bms-hit-by-fda-483-with-6-observations-at-washington-car-t-plant/>

Karaliyev T. Fayzullaeva M.
Bankovskiy audit.TMI. 2014.

6. Молияни бошқариш.
7. Ахборот технологиялари (S.W.I.F.T.).
8. Операциялар. Автоматлаштириш бошқармаси ва электрон. маълумотларни ҳимоялаш)
9. Маъмурий ва ҳуқуқий бошқарув.
10. Қурилиш ва кўчмас мулк.
11. Хавфсизлик ва қўриқлаш.
12. Кадрлар бўлими .



Банкларда аудитни режалаштириш



<https://bioprocessintl.com/bioprocess-insider/regulations/bms-hit-by-fda-483-with-6-observations-at-washington-car-t-plant/>

Банк аудитни режалаштиришнинг мақсади:

- бухгалтерия ҳисобининг ҳолатини экспертиза йўли билан баҳолаш;
- акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси проспектининг маълумотларини тасдиқлаш;
- йиллик молиявий ҳисобот маълумотларининг ҳаққонийлигини текшириш ва тасдиқлаш валюта муомалаларини текшириш;

Karaliyev T. Fayzullaeva M.
Bankovskiy audit.TMI. 2014.



Банкларда аудитни режалаштириш

Банк аудитни режалаштиришнинг
мақсади:



- иқтисодиёт ва молиявий ҳуқуқ соҳасидаги янги қонунчилик ҳужжатлари бўйича аниқ маслаҳат (консультация) ўтказиш;
- банк операцияларининг тўғри бажарилиши текшириш.

Karaliyev T. Fayzullaeva M.
Bankovskiy audit.TMI. 2014.



Ички аудитнинг режалаштириш
тамойиллари:

Узлуксизлик - текширувда иштирок
этадиган аудиторларга келишилган
топшириқлар белгиланиши ва режалаштириш
босқичларининг муддатлар ҳамда таркибий
бўлинмалар бўйича боғлиқлигида
ифодаланади.



Уйғунлик - аудитнинг дастлабки режасини тузишдан тортиб умумий режаси ва дастурини тузгунга қадар бўлган барча босқичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлаш тушунилади.

Мақбуллик - режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти ўзи белгилаган мезонлар асосида аудитнинг умумий режаси ва дастуридан мақбулини танлаш имкониятига эга бўлиши зарур.



Аудит режасининг босқичлари

Аудитни режалаштириш пайтида ташқи аудит қуйидаги асосий босқичларни ажратиши керак:

Дастлабки режалаштириш;

Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;
Аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш

Аудит режаси босқичлари

Дастлабки режалаштириш
босқичида аудиторлар банк филиалининг фаолияти билан танишади.

Дастлабки режалаштириш босқичида аудитор аудитни ўтказиш имкониятини баҳолайди ва аудитни ўтказиш учун штатни шакллантиради.

Аудит режаси босқичлари

Аудиторлар гуруҳига кирадиган мутахассислар таркибини режалаштириш пайтида **бош аудитор** қуйидагиларни ҳисобга олиши шарт:

Аудитнинг ҳар бир босқичи:
тайёргарлик, асосий ва якунлаш босқичи иш вақти бюджетини;
Гуруҳ ишининг тахмин қилинаётган муддатларини;
Гуруҳнинг миқдорий таркибини;
Гуруҳ аъзоларининг мансаб даражасини;
Гуруҳ ходимларининг ворислигини;
Гуруҳ аъзоларининг малака даражасини.

Банкларда аудит дастури....

Аудит умумий режаси ва дастурини ишлаб чиқишда, ички аудиторлар филиал тўғрисидаги дастлабки билимларга, шунингдек, ўтказилган таҳлилий русум-қоидаларнинг натижаларига асосланиши керак.



Банкларда аудит дастури

Аудит **умумий дастури**ни тайёрлаш жараёнида ички аудиторлар филиалда амал қилаётган ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолайди ва ички назорат тизими хатарини (назорат хатарини) баҳолашни амалга оширади.

Агар ички назорат тизими нотўғри ахборот пайдо бўлгани тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирса, шунингдек, нотўғри ахборотни аниқласа, уни самарадор деб ҳисоблаш мумкин.

Банк аудити

Аудит умумий дастурини тайёрлаш пайтида ички аудиторлар молиявий ҳисоботни ишончли деб ҳисоблаш имконини берадиган жиддийлик ва аудиторлик хатарининг унинг учун мақбул даражасини белгилаши керак.

Аудиторлар умумий дастурда акс эттирилган усулларни танлашда мустақил ҳисобланади, лекин ўз ишининг натижалари учун мазкур умумий режа ва мазкур дастурга мувофиқ тўлиқ масъулият ҳис этади.



Банк аудити

Умумий режа аудит дастурини амалга оширишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши керак. Аудит жараёнида аудиторлар умумий режанинг айрим қоидаларини қайта кўриш учун асослар пайдо бўлиши мумкин. Режага киритилаётган ўзгартишларни, шунингдек, ўзгартишлар сабабларини аудитор батафсил ҳужжатлаштириши керак.

Умумий режада аудиторлар аудитни ўтказиш муддатларини назарда тутиши ва аудитни ўтказиш муддатларини, ҳисобот ва аудиторлик хулосасини тузишни назарда тутиши шарт.



Аудит дастури

Молиявий аудит. Молиявий аудитнинг мақсади банкларда ташкил этилган бухгалтерия тизими ва маълумотларнинг ишончилиги ҳамда йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларда акс эттирилган пул суммаларининг тўғрилигини текширишдан иборат.

Мавжуд меъёрий ҳужжатларга амал қилинишини текшириш. Бу аудитнинг мақсади ҳисоботнинг мавжуд қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга ҳамда қабул қилинган сиёсат ва процедураларга мувофиқлигини текширишдан иборат.

Аудит дастури

Операцион аудит. Операцион аудитнинг мақсади банкдаги тизим ҳамда процедураларнинг сифати ва мақсадга мувофиқлигини текшириш, ташкилий тузилмани танқидий таҳлилдан ўтказиш ҳамда методологик материаллар ва моддий маблағларнинг кўйилган вазифалар учун етарли эканлигини баҳолашдан иборат

Бошқарув аудити. Бошқарув аудитининг мақсади банк олдида турган вазифалар доирасида бошқарув функциялари сифатини баҳолашдан иборат.

АУДИТ ДАСТУРИ

Текширилаётган ташкилот _____

Аудит даври _____

Киши-соатлар сони _____

Аудиторлик гуруҳи раҳбари _____

Аудиторлик гуруҳи таркиби _____

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари _____

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси _____

N	Аудит булимлари буйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изохлар

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ibragimov A.K., Auditning xalqaro standartlari asosida tijorat banklarida ichki auditning tashkiliy asoslari. O'quv qo'llanma. – T.: Moliya. 2013. – 384 b.
2. Karaliyev T. Fayzullaeva M. Bankovskiy audit.TMI. 2014.
3. Yadgarova M., Qurbonov R. Bank auditi. Darslik. –T.: «IQTISOD-MOLIYA» 2019 y.
4. Tuychiyev A., Qo'ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I., Avazov I. Audit. Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 530 b.
5. [Wally Smieliauskas](#), [Kate Bewley](#). Auditing: An International Approach Hardcover. McGraw-Hill Ryerson; 6 edition. 800 pages. 2014.
6. David O'Regan. International Auditing: Practical Resource Guide 1st Edition, Wiley; 1 edition, 312 pages. 2015.
7. Fayziyev Sh.N., Dusmurov R.D., Karimov A.A., Qo'ziyev I.N., Avlokulov A.Z. Audit. Darslik. –T. OQTISOD-MOLIYA, 2015. -392 b.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ !

